

Корхона қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эта бўлиши мумкин.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича тарафлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган тартибида жавобгар бўлади шунингдек, шартнома шартлари бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган ҳолларла, Корхона бунинг натижасида етказилган зарарни қоплашга, “Истъемолчи” эса етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. Корхона Истъемолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди агар:

Истъемолчи электр энергияси истъемолининг белгиланган режимига риоя қилмай, электр энергияси истъемоли ёки кувватининг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл кўйганда, худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан белгиланган электр энергияси чеклаш жадвали бажармагани туфайли паст сифатли электр энергияси етказиб берилганлиги учун;

захира манбай автоматик ишга тушганда, автоматик кайта улаш ва автоматик тарзда частотани созлаш билан боғлик ўчиришлар вақтида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги ташаффуслар учун истъемолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди.

5.3. Корхона Истъемолчини Бюро қўрсатмасига асосан электр энергиясидан узилганда ёки енгib бўлмайдиган куч ҳолатлари ҳамда фавқулотда авария ҳолатлари юзага келганда (форс-мажор) Истъемолчи олдида жавобгар бўлмайди.

Электр энергия таъминоти корхонаси узи билан боғлик булмаган вазиятлар оқибатида мавжуд булган чеклашлар киритилганди, “электр курилмаларини тузилиши коидалари”нинг 1.2.18, 1.2.19 ва 1.2.20 баёндаририга асосан истъемолчилар томонидан электр таъминоти ишончлилиги тоифаси (категория)га тугри келмаган (лойиха талаблари бажарилмагандан) ҳолда истъемолчиларда киритилган даъво ва талаблари бўйича келиб чикадиган низолар бўйича истъемолчи олдида жавобгар бўлмайди.

5.4. Мазкур шартномани бажариш жараёнида юзага келадиган барча келишмовчилик ва низолар музокара ўтказиш орқали ҳал қилинади. Келишмовчиликларни музокара ўтказин орқали ҳал қилишнинг иложи бўлмаганда, улар қонунчиликда белгиланган тартибида ҳал қилинади

VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

6.1. Шартнома 20~~22~~ йил ~~31~~ декабр гача бўлган муддатга тузилади.

Шартномага киритилган ўзгаришлар жорий ойда кўлланилмайди ва кейинги ойдан кучга киради.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор қилиш бўйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги ҳар бир йилга узайтирилган ҳисобланади (Бюджет ташкилотлари бундан мустасно). Ариза ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин тақдим этилиши лозим.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бирида сакланётган икки (Бюджет ташкилотлари учун уч) нусхада тузилган. Шартноманинг иловалари унинг ажрашмас кисми ҳисобланади.

6.3. Томонларнинг бирини ташаббуси билан Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш, иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўттиз кун олдин хабардор қилган ҳолда ва томонлар ўзаро ҳисоб-китоб қилиши шарти билан бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида хабарнома ёзма равишда юборилади.

6.4. Барча ўзгартириш ва кўшимчалар, агар улар факат ёзма равишда амалга оширилиб, томонларнинг ваколатли шахслар томонидан имзолangan бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

6.5. Мазкур шартнома талабларида назарда тутилмаган тартиб – қоидалар Вазирлар Махкамасининг 2018 йил 12 январда 22 сон қарори билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиши қоидалари ҳамда бошқа амалдаги норматив – хукукий хужожатлар талабларига мувофиқ тартибга солинади.